

ЎзДЖТУ 3- босқич талабаси

Махмудова Майрамхон Бахтиёр қизи

Илмий раҳбар испан тили катта ўқитувчиси

Ачилова Зулхумор Пулатовна

Мустақил Республика шароитида халк таълими узига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмокда. Бу узига хослик энг аввало таълим-тарбия мазмунини миллийлаштириш, яъни узимизнинг жуда бой утмиш тарихимиз, маданиятимиз, фанимиз, тилимиз ўз мохияти билан жуда чиройли, юксак инсоний ахлокий мазмунга эга бўлган миллий урфодатларимиз асосида жамиятимиз келажаги бўлган ёш авлодни ўқитиш баҳтига муяссар булдик. Бу нарса барча муаллимлар катори биз ўқитувчиларнинг хам калбидамизда юксак ғуур ҳисларини шакллантиради. Мана шу шароитда хаммамиз жуда катта кутаринкилик билан жамиятимизнинг ёш авлодини юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ғуур руҳида тарбиялашимизни талаб этади. Бу эса таълим-тарбия жараёнига янгича ёндошишни, янгича услуг ва мазмун, шакл ва воситалардан хам фойдаланишимизни такозо этади. Эски услуг билан янги вазифаларни амалга ошириб бўлмайди.

Маълумки анъанавий ўқитиш усули мамлакатимизда кенг таркалган. Бироқ таълим соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда анъанавий таълимнинг муҳим таълимий муаммолар ўз ечимини топа олмаётганлигини қатор илғор педагогик тажрибалар оммалашмаётганлигини кўришимиз мумкин. Демак эски анъанавий услуг билан амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун фикримизча биз бу масалани янги педагогик технология асосида амалга оширилишимиз мумкин.

Хўш, янги педагогик технологиянинг ўзи нима, унга қандай эришиб бўлади? Янги педагогик технология (ЯПТ)- бу қандайдир мавхум, кўл билан

тутиб бўлмайдиган, фахм-фаросат билан амалга ошириб бўлмайдиган нарса эмас. Бу мураккаб узок давом этадиган жараёндир. Бу жараён ўқитувчининг босқичма-босқич педагогик махорат пиллапояларини эгаллаб унинг юксак педагогик даражасига кўтарилиши каби нихоятда қийин машақкатли меҳнатнинг самараси сифатида ҳар бир ўқитувчи эришиши мумкин бўлган махорат чўққисидир.

Модомики педагогик технология босқичма-босқич қўлга киритилар экан, унинг босқичларини караб чикайлик. Педагогик технологияни эгаллаш энг аввало, тинимсиз меҳнат, ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлашини такозо қиласди. Бу иш дастлаб илғор педагогик тажрибаларни ўргатишдан бошланиши лозим. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш ўқитувчилар учун ўз касб махоратларини такомиллаштиришнинг тажрибали ўқитувчиларини такомиллаштиришнинг энг кулай шаклидир. Илғор педагогик фаолиятга ижодкор ва новаторларга ёндошиб, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришнинг янги йулларини излаб топишдир.

Кейинги пайтларда “Илғор педагог”, “Илғор ўқитувчи”, “Новатор педагог” тушунчалари матбуот сахифаларида, педагогларнинг ўзаро сухбатларида, услубий кенгаш, семинар ва конференцияларда кўп тилга олинмоқда, лекин улар асосида олиб борилаётган илмий изланишлар хали унча янги эмас.

“Илғор педагог” аввало, бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига мұъсулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб ўз дарсларида, мактабда ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда кўллайди. Шу орқали ўқувчиларни таълим ва тарбиясида муайян ютуқларни қўлга киритади.¹

“Новатор педагог” бизнингча ўзининг яхлит педагогик восита ва усулларини мавжудлиги билан фарқланиб туради. Шу билан бирга новатор ўқитувчиларда илмий тахлил, ўзига танкидий кўз билан қарай билиш хусусиятлари хам бўлади. Уларнинг кўпчилиги бошқалар ўзига ишонмайдиган ғоят мураккаб шароитларда хам ўз ишларининг тўғри

эканлигига ишонч ва ушбу вазиятга ечим борлиги билан ажралиб турадилар.

“Ижодкор ўқитувчи”да хам “Илғор педагог”даги хусусиятлар бўлиши мумкин. Улар жиддий манбаларни ўрганиб шулар асосида иш олиб борса, ижодкор ўқитувчи бор манбаларга танкидий кўз билан қарай билади. Кўп холларда мавжуд услубий йўл-йўриқларга ўз муносабатини билдириб, шароит ва вазият такозосида ўзининг имкониятларини назардан қочирмаган холда ўзига ҳос методик усувлардан фойдаланади.

Илғор педагогик тажрибаларни аниқлашда маълум мезонларга асосланиши керак. Бунда энг мухим мезон ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида кўллайдиган таълим-тарбиянинг янги шакл, метод ва усулидир. Бу мезон илғор ўқитувчини оддий ўқитувчилардан ажратадиган энг мухим белгисидир. Ўқитувчи кўллайдиган янгилик турлича масалан таълим ёки тарбиянинг янги мазмуни, шакли, методи, педагогик меҳнатнинг энг таъсирчан такомиллаштирувчи йўлларини белгилашдан иборат бўлиши мумкин.

Илғор педагогик тажрибани ифодаловчи яна бир мезон унинг юқори натижаларга эришиши учун замин хозирлашидир. Бунда ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси хисобга олиниши зарур. Кўйилган баҳога, ўтказилган тарбиявий тадбирларнинг сони эмас уларнинг ўқувчиларни инсон сифатида шаклланишига таъсирининг мезони сифатида қараш лозим.

Чунки, юқори натижага эришишда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг кучини, вақтини тежаш, уларни толиқтиришдан асрash хам мухимдир. Бу мезонлар илғор педагогик тажрибаларни оддий тажрибадан ажратиш ва уни авайлаб ёйишга ёрдам беради. Илғор тажрибаларни факат вилоят ёки Республика бўйлаб излаб юриш шарт эмас. Ҳар бир педагогик жамоада ажралиб турадиган педагоглар бўлади. Бу эса педагогикнинг жамоадаги мухитига боғлиқдир. Бу мухитни мўътадиллаштириб, керакли йўналишга буриб юборишда мактаб раҳбарлари, мактаб методика кенгашининг хам ўзига ҳос усули бўлиши лозим.

Педагогик махорат ўз ичига педагогик техникани олади. Педагогик техниканинг яна бир муҳим таркибий қисми педагогнинг мимик, тантомимик харакатларидир. Аниқ имо-ишора, юз-кўз, гавда харакати, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехозли табассум педагогик таъсир кўрсатишда сўз билан тушунтиришга қараганда анча самарали муомила воситаси бўла олади.

Педагогик техникани эгаллаш ўқитувчининг энг яхши тарбиявий таъсир кўрсата олишини таъминлайди. У ўқитувчининг кучини, вақтини тежаб, ижодий ишлаши учун шароит яратади.¹

Педагогик сезувчанлик ва фахм-фаросат хам педагогик махоратни эгаллашда муҳим аҳамиятга эга. Педагогик махорат педагогик техниканинг энг муҳим, нозик қисми хисобланган сўз билан таъсир қиласи. А.С.Макаренко “Менинг тажрибам ҳакида” маъruzасида ёзилган эдики: “Мен бу ёққа кел (иди сюда) деб айтилишнинг 15-20 хил охангини ўрганиб олганимдан кейин, юз гавда, овоз тузилишидан 20 хил нозик фарқлар берадишини ўрганиб олганимдан кейингина хақиқий мураббийга айландим”.

Хулоса қилиб айтганда илмий ижод жараёнида таълим тарбиянинг аввал номаълум бўлган янгича назорат ва оқибатида хозирги замон мактабининг мураккаб муаммолари ечилади, келажакда унинг ривожланиш истиқболлари белгиланиши мумкин. Ўқитувчи фаолиятида ижод турли кўринишларда шаклланиб бораверади, педагогик ижоднинг ўзига хослиги, такрорланмаслиги хар қачонгидан хам муҳим аҳамият касб этаверади чунки унинг маҳсули сифатида инсон шахси шаклланади. Шунинг учун ижоднинг босқичлари тўғрисидаги масала барча замонларда хам долзарб бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б. Фарберман. “Илгор педагогик технологиялар” Тошкент 2000 йил
2. Ж. Жалолов “Чет тили ўқитиши методикаси” Тошкент 1996 йил
3. Ачилова З. П. Синхрон таржима жараёнида мураккаб морфологик ҳодисалар ва синтактик конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари

//образование наука и инновационные идеи в мире. – 2023. – т. 31. – №. 2. – с. 23-28.

4. Ачилова З. П. Таржимашунослик назарияси мутахассислиги фанлариға бағишиланган замонавий дарсликлар яратишнинг ахамияти //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 316-318.

5.Ачилова З. Словообразовательные и грамматические трудности при переводе испанского текста на русский //Центральноазиатский журнал образования и инноваций. – 2023. – Т. 2. – №. 6 Part 6. – С. 220-224.

6.Ачилова З. П. Применения метода корректирующей компенсации при переводе политических выступлений //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – т. 6. – №. 2. – с. 319-322.